

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ



**ОКРУГ САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИНИНГ
МАҚОМИ**

**ИЛМИЙ-ОММАБОП
РИСОЛАЛАР СЕРИЯСИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

С.А. МУРАТАЕВ

**ОКРУГ САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИНИНГ
МАҚОМИ**

(оммабоп рисола)

Тошкент – 2021

УЎК: 342.828.2(041)(575.1)

КБК: 67.400.5(5Ўзб)

М 88

Тошкент давлат юридик университети Илмий-услубий Кенгашининг 2021 йил 30 июндаги 6-сон мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

С.А. Муратаев

Округ сайлов комиссияларининг мақоми – (Оммабоп рисола, чизмалар ва расмларда). С.А. Муратаев. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2021 й. – 24 б.

Мазкур оммабоп рисолада Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ, округ сайлов комиссияларининг мақоми, ташкил топиш тартиби, мақсад ва вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини ўтказишдаги роли, сайлов жараёни шаффофлигини таъминлашдаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берилган.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ISBN: 978-9943-7399-8-7

© Муратаев С.А. 2021 й.

© Тошкент давлат юридик университети, 2021 й.

КИРИШ

Ривожланган адолатли ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий шарти қонун устуворлигини таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳисобланади. Шу сабабли охириги йилларда Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш ва уларнинг давлат ҳокимияти органлари билан бўладиган муносабатларида у ёки бу масалаларнинг адолат тамойиллари асосида ўз ечимини топиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан биридир. Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини ошириш долзарб аҳамиятга эга. Сайловлар мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бири бўлиб, ушбу конституциявий институт орқали фуқаролар мамлакат ишларини бошқариш ҳуқуқидан бевосита фойдаланиш орқали ўз келажаги учун овоз беради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда халқаро демократия стандартларига мос келувчи миллий сайлов тизими яратилмоқда. Бу борада Конституция ва сайлов қонунчилигимизга асосланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига тўла мувофиқ келадиган мустаҳкам ҳуқуқий замин яратилди ҳамда изчил ривожланиб бормоқда.

Натижада Ўзбекистонда ўзининг очиқ ва шаффофлиги билан барча демократик талабларга тўла мос келувчи сайлов тизими яратилган. Бу тизим, аввало, умумэътироф этилган сайлов стандартларига таянади. Ушбу оммабоп рисолада Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишга оид округ сайлов комиссиялари ҳақида батафсил маълумот берилган.

Китобхон мазкур оммабон рисола билан танишиш натижасида нафақат округ сайлов комиссиялари тўғрисида билим олиши, балки давлат ҳокимияти тузилиши, унинг характери ва ишлаш механизмлари ҳақида маълумотлар олиши мумкин.

Рисолада китобхонга матннинг қулай бўлиши учун маълумотларни имкон қадар чизмалар ва расмлар тарзида етказишга ҳаракат қилинди.

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ

Ўзбекистон Республикасида Президент сайловларига оид барча масалалар Ўзбекистон Республикаси Сайлов Кодексида белгиланган қоидалар асосида тартибга солинади.



Ўзбекистон Республикаси Сайлов Кодекси 2019 йил 26 июнь санасида кучга кирган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи **сайлов округлари** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри **чегаралари доирасида** Ўзбекистон Республикаси **Марказий сайлов комиссияси** томонидан тузилади. (1-расмга қarang).

1-расм



Яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳисобида жами 14 та сайлов округлари тузилади.


Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Марказий сайлов комиссиясига округ сайлов комиссияларининг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда, сайловдан **камида 75 кун олдин** Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади ҳамда **расмий веб-сайтда, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида** эълон қилинади.



Округ сайлов комиссиялари Ўзбекистонда сайловларни ташкил этишнинг ўрта бўғини ҳисобланади. (1-қизмага қаранг).

Сайлов тизими



II. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари Марказий сайлов комиссиясига округ сайлов комиссиясининг **аъзолигига номзодларни** сайлов округлари тузилганидан сўнг **уч кун ичида** тавсия этади. *(Мисолга қаранг!)*

Округ сайлов комиссиясининг аъзолари жамоатчиликнинг обрў-эътиборли вакиллари орасидан тасдиқланади.

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга **қамида 70 кун қолганда**, комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва 6-8 нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади.

Масалан, шу йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтадиган бўлса, округ сайлов комиссиялари 10 августгача тузилиши керак. Агар округ сайлов комиссияларини 9 августда тузилди, деб тасаввур қиладиган бўлсак, уч кун ичида, яъни 12 августгача комиссия аъзолигига номзодлар Марказий сайлов комиссиясига тавсия этилиши зарур. Комиссия таркиби эса 15 августгача, яъни сайловга қамида 70 кун қолганда тузилиши лозим.



Округ сайлов комиссиялари шахсий таркиби унинг:

- раиси;
- раис ўринбосари;
- котиби;
- комиссия аъзолари;
- шунингдек, уларнинг иш жойи

кўрсатилган ҳолда, Марказий сайлов комиссиясининг **расмий веб-сайти** ҳамда **оммавий ахборот воситаларида** сайловга **камида 70 кун қолганда** эълон қилинади.

III. КИМЛАР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИГА АЪЗО БЎЛИШИ МУМКИН

21 ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, одатда, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар округ сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин.

Округ сайлов комиссияси аъзосига Марказий сайлов комиссияси томонидан гувоҳнома берилади. Гувоҳномалар Марказий сайлов комиссиясининг раиси томонидан имзоланади. (2-расмга қаранг).

2-расм



ГУВОҲНОМА

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
- _____ округ сайлов комиссияси

РАИСИ

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

_____ (имзо) _____ (фамилияси ва исми, отаси исми бош ҳарфлари)

20__ йил «___» _____ (МСК қарорининг қабул қилинган санаси)

М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда хақиқийдир.





ГУВОҲНОМА

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
окрут сайлов комиссияси

РАИСИ ЎРИНБОСАРИ

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

_____ (имзо) (фамилияси ва исми, отаси
исми бош ҳарфлари)

20__ йил «_____»

(МСК қарорининг қабул қилинган санаси)

М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда хақиқийдир.

Расм



ГУВОҲНОМА

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
окрут сайлов комиссияси

КОТИБИ

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

_____ (имзо) (фамилияси ва исми, отаси
исми бош ҳарфлари)

20__ йил «_____»

(МСК қарорининг қабул қилинган санаси)

М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда хақиқийдир.

Расм



ГУВОҲНОМА

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми)

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи
окрут сайлов комиссияси

АЪЗОСИ

Марказий сайлов комиссияси

Раиси

_____ (имзо) (фамилияси ва исми, отаси
исми бош ҳарфлари)

20__ йил «_____»

(МСК қарорининг қабул қилинган санаси)

М.Ў.

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда хақиқийдир.

Расм

Мазкур гувоҳнома унинг эгасининг тегишли округ сайлов комиссиясила фаолият кўрсатувчи аъзоси эканлигини тасдиқлайли. Бу ҳужжат, одатда, шахсини тасдиқловчи ҳужжат билан тақдим этилганда ҳақиқий ҳисобланади.

Округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан, комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ёки бошқа аъзоси сайлов ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин.

Округ сайлов комиссияси аъзоси округ сайлов комиссияси таркибидаги фаолияти даврида **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг X бобида** назарда тутилган давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш билан боғлиқ кафолатлардан фойдаланади.

Округ сайлов комиссиясининг аъзоси Сайлов кодекси талабларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан, қуйидаги ҳолларда ўз вазифаларини бажаришдан озод этилиши мумкин:

бошқа сайлов комиссияси таркибига сайланганда;

сиёсий партиёга аъзо бўлганда;

вилоят, туман, шаҳар ҳокими этиб тайинланганда (тасдиқланганда);

прокуратура ёки судга масъул лавозимга тайинланганда (сайланганда);

комиссия аъзосининг яқин қариндошлари (фарзанд, ота-она, ака-ука, опа-сингил, бобо, буви) ёки комиссия аъзоси бевосита бўйсунувчи шахслар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ёхуд номзоднинг ишончли вакили этиб рўйхатга олинганда;

ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида Марказий сайлов комиссиясига ёзма ариза берганда;

округ сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бўлган вазифаларни бажаришда мунтазам равишда эътиборсизлик қилган тақдирда.

Сайлов комиссияси аъзоси ўз хоҳишига биноан берган аризасига кўра бошқа ҳолларда ҳам уни комиссия аъзоси этиб тасдиқлаган органнинг қарори билан комиссия таркибидан чиқарилиши мумкин (2-расмга қаранг).

Бунда комиссия аъзосининг Сайлов кодекси талабларини бузганлиги ёки зиммасидаги мажбуриятларга мунтазам равишда эътиборсизлик қилганлигига оид ҳолат у аъзо бўлган сайлов комиссиясининг далолатномаси билан расмийлаштирилади.



Сайлов комиссиялари таркибида, шў жумладан, раҳбарлик лавозимларида эркак ва аёлларнинг тенг вакиллигини таъминлашга эътибор қаратилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод ёхуд номзоднинг ишончли вакили этиб рўйхатга олинган сайлов комиссияси аъзоси комиссия таркибидан чиқиб кетган, деб ҳисобланади.

Комиссия аъзоси Сайлов кодекси талабларини бузган ёки зиммасидаги мажбуриятларига мунтазам равишда эътиборсизлик қилган тақдирда у комиссия аъзоси этиб тасдиқлаган органнинг қарори билан ваколатидан маҳрум этилиши мумкин. (3-расмга қаранг).

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ УТҚАЗУВЧИ
ОКРУТ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ШАХСИЙ ТАРҚИБИНИ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ 2016 йил 23 СЕНТЯБРДАГИ 738-СОН
ҚАРОНИГА ЎЗГАРТИШ КИРЎТИШ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4, 15, 18¹ ва 19-моддаларига мувофиқ, шунингдек **Ўтамбердиев Носиржон Махмудович**нинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси аъзоси сифатида вазифасини бажара олмаслик ҳақидаги аризаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг тавсиясини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. **Ўтамбердиев Носиржон Махмудович**нинг бошқа давовимга тайинланганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси аъзоси сифатида вазифасини бажара олмаслик ҳақидаги аризаси шобатга олдинб, округ сайлов комиссияси аъзоси вазифасини бажаришдан озод қилинсин.

2. **Сарибосов Қодирқул Исроилович** халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссияси аъзоси этиб тасдиқлансин.

3. Мазкур қарор халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 8-Сирдарё округ сайлов комиссиясига маълумот учун юборилсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби С. Курбанкулов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси
Раиси**

М. АБДУСАЛОМОВ

*Тошкент шаҳри,
2016 йил 17 ноябрь,
№ 780.*

3-расм

IV. ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ВАКОЛАТЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ

Округ сайлов комиссияси:

сайлов округи худудда Сайлов кодекси ижроси устидан назоратни амалга оширади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;

сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади;

тегишли худудда Сайлов Кодекси талабларининг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

сайлов участкаларини тузади, округ бўйича уларнинг тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда, уларнинг рўйхатини эълон қилади;

участка сайлов комиссияларини тузади ва уларнинг таркиби ҳақидаги маълумотларни эълон қилади;

участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

сайлов участкаларининг жойлашган ери ҳақида сайловчиларни хабардор қилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари вакилларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини эшитади;

сайловчилар рўйхатларининг тузилиши ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

участка сайлов комиссияларига ташкилий-услубий ёрдам беради, уларни сайловга оид қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Марказий сайлов комиссиясининг низомлари, йўриқномалари ва бошқа ҳужжатлари билан таъминлайди;

пул маблағларини участка сайлов комиссиялари бўйича тақсимлайди, участка сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчиларига белгиланган шаклда мандат беради; *(Иловаларга қаранг!)*

округ сайлов комиссияси ҳузуридаги матбуот марказининг фаолиятини ташкил этади;

сайловчилар, кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакилларига муддатидан олдин овоз бериш ўтказиладиган вақт ва жой ҳақидаги маълумотларни етказали;

сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва уларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишини ташкил

сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар (ўқув машғулотлари, семинарлар, конференциялар, давра суҳбатлари ва ҳоказолар)ни, шу жумладан, участка сайлов комиссиялари аъзолари учун ўтказали.

Қўшимча маълумот сифатида шуни таъкидлаш керакки, участка сайлов комиссиялари **округ сайлов комиссияси томонидан**

сайловга камида 40 кун қолганда, 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

V. ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ

Округ сайлов комиссияси ўз фаолиятини қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилик принциплари асосида амалга оширади. Округ сайлов комиссияси ишининг ташкилий шакли унинг **заруратга қараб** ўтказиладиган мажлиси ҳисобланади.

Масалан, “заруратга қараб” дегани, мажлис ўтказиши учун асосли сабаблар бўлсагина округ комиссияси раиси барча комиссия аъзоларини йиғиб, округ сайлов комиссиясининг мажлисини ўтказиши мумкин. Агар зарурат бўлмаса, ортқича мажлис-бозликка йўл қўйилмайди.

Округ сайлов комиссиясининг мажлиси, агар унда мажлис ўтказиладиган кундаги комиссия аъзолари умумий сонининг камида **2/3 қисми** иштирок этаётган бўлса, ваколатли бўлади.

Масалан, Округ сайлов комиссияси 11 нафар кишидан иборат бўлса, шунинг 8 таси комиссия мажлисида иштирок этаётган бўлса, унинг қарорлари ҳақиқий ҳисобланади.

Округ сайлов комиссиясининг мажлиси раиснинг ташаббусига кўра ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг камида **1/3 қисми талабига биноан** чақирилиши мумкин.

Комиссия қарори очик овоз бериш орқали комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қабул қилинади. Қарорга рози бўлмаган комиссия аъзолари алоҳида фикрини баён этишга ҳақли бўлиб, бу фикр ёзма шаклда баённомага илова қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Округ сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қўйи сайлов комиссиялари, шунингдек, барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналар,

муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийдир.

Масалан, Қашқадарё вилоят округ сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари мазкур вилоятдаги барча участка сайлов комиссиялари, вилоят ва туманлар ҳоқимликлари, вилоят бошқармалари ва туманлар бўлимлари, турли муассасалар учун ҳам мажбурийдир.

Округ сайлов комиссияси мажлисларида масалалар очик ва ошқора муҳокама этилади. Мажлисда кун тартиби, унда иштирок этаётган комиссия аъзоларининг исми, фамилияси, отасининг исми, кўрилган ҳар бир масала бўйича овоз бериш натижалари, қабул қилинган қарор акс этган баённома юритилади.

Баённома раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади. Округ бўйича сайлов натижаларини белгилаш тўғрисидаги баённома комиссиянинг мажлисида иштирок этган барча аъзолари томонидан имзоланади.

Давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларига ўз ваколатларини амалга оширишида кўмаклашиши, уларнинг иши учун зарур маълумотларни тақдим этиши шарт.

Округ сайлов комиссияси мажлисларида:

- Марказий сайлов комиссия аъзолари;
- рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг ишончли вакиллари;
- сиёсий партияларнинг кузатувчилари;
- оммавий ахборот воситаларининг вакиллари;
- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиши мумкин.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керак бўлган бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туриши шарт.

“Бепул бериб туриши” дегани, сайлов яқунланганидан сўнг бериб турилган мулкни қайтариб олиш мумкинлигини англатади.

Округ сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг органларига, корхоналарга, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Улар қўйилган масалани кўпи билан 3 кунлик муддатда кўриб чиқиши ва сайлов комиссиясига жавоб қайтариши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари чиқарилганидан, Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
сайловини ўтказувчи округ сайлов
комиссияларининг фаолияти тартиби
тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА**

МАНДАТ № _____

_____ *(фамилияси, исми, отасининг исми)*

дан

_____ *(Манфатдор таликитотлар номи)*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида
_____ сайлов округи бўйича**

_____ *(Округ тартиб рақами ва номи)*

ЎЗТАТУВЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи

_____ *(Округ тартиб рақами ва номи)*

округ сайлов комиссияси раиси _____

_____ *(Иسمى)*

_____ *(Ф.И.Ш.)*

20__ йил «__» _____ ҳақиқийдир.

20__ йил «__» _____

_____ *(ОК Кадриятининг қатъий қарарига асосланган ҳолда)*

М.У.

Расм

Шахсни тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилганда ҳақиқийдир.

**Округ сайлов комиссиясининг тербли резина муҳр
Намунаси**



Округ сайлов комиссиясининг тербли резина муҳри диаметри 45 мм, айлана шаклда бўлиб, маркадан 22,5 мм, уюқликда зосий айлана ва ундан 1 мм масофада яна бир айлана ўтказилган. Иккинчи айлана тагида айлана бўйича "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи Toshkent okrug saylov komissiyasi 14" * ёзуви бор. Ушбу матннинг тагидан яна бир ички айлана ўтказилган бўлиб, айлананинг ичида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган.

** Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси номи ва тартиб рақами Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади*

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи _____ округ сайлов
 комиссиясининг сайлов округи бўйича натижаларини жамлаб бориш
ЖАДВАЛИ

САЙЛОВ УЧАСТКАСИ ТАРТИБИ РАҚАМИ	1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.1	7.2	7.3	7.4	7.5	8.	
	Сайлов участкасидаги сайловчиларнинг умумий сони	Ушбу округ сайлов комиссияси олган сайлов бюллетенлари сони	Сайлов бюллетенлари қалди сўлакчалар сони	Муҳлатини олдани охири берган сайловчилар сони	Овоз берилган шартрос таъин сайловчилар сони (сўлакча қўйилганда сайлов бюллетенлари)	Объектларнинг қалдириш қўйиб, берилмаган ва сайлов бюллетенларини ўқувчи сони	Нижатини ислаб олиш берганлар сони	Нижатини ислаб олиш берганлар сони	Нижатини ислаб олиш берганлар сони	Нижатини ислаб олиш берганлар сони	Нижатини ислаб олиш берганлар сони	Нижатини ислаб олиш берганлар сони	Ҳаққонийлик ва адолатлилик сайлов бюллетенлари сони
№1													
№2													
№3													
№4													
№5													
№6													
№7													
№8													
№													
Сайлов округи бўйича jami													



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI

20__ йил __ __

**ОКРУГ САЙЛОВ
 КОМИССИЯСИНИڭ САЙЛОВ ОКРУТИ БЎЙИЧА САЙЛОВ
 НАТИЖАЛАРИНИ АНИКЛАШ ТЎГРИСИДАГИ
 БАЁННОМАСИ**

_____ округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси
 Сайлов қонунининг 22, 95-моддаларига мувофиқ _____ та сайлов умумқаларига
 овозларни санаб чىقىش натижалари (тўғرىسىдаги баённомаларига асосан
 _____ сайлов округи буйича қуйىдаги тарин аниқлаш

1. Сайлов округидаги сайловчиларнинг умумий сони _____
2. Округ сайлов комиссияси олган сайлов бюллетенлари сони _____
3. Муддатидан олдин овоз берган сайловчилар сони _____
4. Сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сони _____
5. Овоз берингда шатароқ этган сайловчилар сони _____
6. Фойдаланилмаган ва бузиб қуйىلىб бекор қилинган
 сайлов бюллетенларининг умумий сони _____
7. Ҳар бир номзадни ёқиб берилган овозлар сони _____

№	Ўзбекистон Республикаси Президентлигини номзадларининг фамилияси, исми, отасининг исми (а.т.ф.б.о тартибиде)	Ўзбекистон Республикаси Президентлигини номзодни ёқиб берилган овозлар сони	Ўзбекистон Республикаси Президентлигини номзодни қўрашган сўйсый шартинини номи
1			
2			
3			
4			
5			

8. Ҳақиқий овоз деб томилган сайлов бюллетенлари сони _____

Комиссия раиси _____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)
Комиссия раисининг ўринбосари _____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)
Комиссия котиби _____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)

Комиссия аъёлари:

_____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)
_____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)
_____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)
_____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)
_____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)
_____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)
_____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)
_____	_____
(фамилияси, исми, отасининг исми)	(ИМҶО)

Баённома 20 _____ йил « _____ » _____ да тузилди

М Ҷ _____

Э С Л А Т М А

Баённома тузилганда, агар: сайлов комиссияси белгиланган тартибда ўзини барирача тасдиқлаётган Марказий сайлов комиссияси томонидан.

Баённомани: барирача тузилган сайлов натижалари аниқлигини таъминлашда ҳар бир бўлим Ушбекистон Республикаси Президентлиги томонидан кураётган шайхон ташкилотлар, фуқаролик ҳаракати, ёшлар ўзбекистонлари ширкатлари қўллаб-қувватлаш билан шайхон ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш билан қўллаб-қувватланади.

Баённомани: махсус тузилган комиссия аъёлари ва уларнинг фикри (аҳдлар билан) бўлиб, овоз берган шайхон томонидан овозлар шайхон чаккилини таъминлаш билан қўллаб-қувватланади.

Баённомани: 3-бўлимда кураётган сайлов баённомани; 7-бўлим 1,2,3 ва 4-қаторлари ва 5-бўлимдаги шайхон қўллаб-қувватлаш тили (3-бўлим) = 7-бўлимнинг; шайхон шайхонини + 5-бўлим (6) билан олди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича сайлов округларини тузиш тартиби қандай	5
II. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари қандай шакллантирилади	7
III. Кимлар округ сайлов комиссияларига аъзо бўлиши мумкин	8
IV. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари нималардан иборат?	13
V. Округ сайлов комиссиялари қандай ишлайди?	15
ИЛОВА	18

С.А. МУРАТАЕВ

**ОКРУГ САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИНИНГ
МАҚОМИ**

(оммабоп рисола)

*Масъул муҳаррир: Х. Салоева
Муҳаррир: Ф. Муҳаммадиева
Техник муҳаррир: У. Сапаев
Компьютерда саҳифаловчи: Д. Ражапов*

Босишга рухсат этилди: 27.03.2021.
Ҳажми: 1,5 б.т. Адади: . Буюртма: № 9.
Тошкент давлат юридик университети
Типография бўлимида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.

ИЛМИЙ-ОММАБОП РИСОЛАЛАР МАХСУС СЕРИЯСИ:

- 1) Президент сайловининг ўзига хос хусусиятлари;
- 2) Президентликка номзодларнинг ҳуқуқий мақоми;
- 3) Президент сайловида сиёсий партияларнинг иштироки;
- 4) Сайловолди ташвиқоти;
- 5) Сайловда овоз бериш тартиби;
- 6) Сайловларда очиқлик ва ошкоралик;
- 7) Сайловчиларнинг рўйхатини тузиш тартиби;
- 8) Сайлов ҳуқуқларига оид шикоятларни кўриб чиқиш;
- 9) Сайлов қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик;
- 10) Халқаро сайлов стандартлари;
- 11) Кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми;
- 12) Марказий сайлов комиссиясининг мақоми;
- 13) Округ сайлов комиссияларининг мақоми;
- 14) Участка сайлов комиссияларининг мақоми.

ИЛОВАНИ ЮКЛАБ ОЛИШ:

